
Ўзбекистон – ёшлар мамлакати

Бугун Бешариқ туманидаги Маданият марказида “Ўзбекистон – ёшлар мамлакати” шиори остида ёшлар сайли ўтказилди.

Тадбирда Конститутсия билимдони, Биласизми телеуйини, Ёшлар орасида ижтимоий сўровнома каби лойихалар ташкил қилинди.

Тадбир давомида ўтказилган ўйин ғолибларига хамкорлар томонидан эсадалик совғалари топширилди.

Шундан сўнг сайлда ёшлар учун гала-концерт ташкил қилиниб, унда 1000 нафарга яқин тумандаги уюшмаган аҳоли ва ёшлар қамраб олинди.

Концерт дастурида таниқли санъаткорлар Тарона гурухи, Рухсор телерадиоканали бошловчиси Хайрулло Йўлдошев ҳамда истеъдоли шоу-бизнес вакиллари ўзларининг мусиқий чиқишлари билан иштирок этган бўлса, таниқли санъаткорлар спикер сифатида референдумда ёшларнинг роли ва янги таҳрирдаги конституцияда ёшларга оид нормаларнинг мазмун-моҳиятини тушунириб беришиди.

????????? Шунингдек, ташкил этилган маҳсус фотозона ёшлар иштирокида #менингконституциям, #конституцияўзимизники, #бефарқэмасман мавзуларида флешмоб ва челленжлар амалга оширилди.

Тадбир“Рухсор”, телеканали мухбирлари, Бешариқ тумани ҳокимлиги маъсул ҳодимлари, журналист ва блогерлар иштирок этди.

Тарғибот ишлари давом эттирилмоқда.

2023-04-11 15:19:03